

Доклад заместителя председателя правления ГАК "Узавтойул" Ш.Назарова на заседании компании по итогам деятельности первого квартала 2014 года

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги ташкилот ва корхоналар томонидан 2014 йилнинг 1-чорагида 171,1 млрд. сўмлик (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 138,7 %) йўл курилиш, таъмираш, сақлаш ва ташки пуррат ишлари бажарилди. 28 км. узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари реконструкция килинди. Булар А-373 "Тошкент-Ўш" автомобил йўлининг 450-475 километр қимидаги 3 км. (Андижон вилояти) ва 341-350 км. қисмидаги 5 км. (Фарғона вилояти) хамда М-39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз" автомобил йўлининг 962-982 километр қимидаги 20 км. (Фарғона вилояти) автомобил йўлларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбек миллий автомагистралি" таркибига кирувчи автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурига асосан жами 61 та (шундан 45 таси (401 км.) олдинги йиллардан ўтувчи, 16 таси (133 км.) янги бошланадиган обьектлар) обьектда 534 км. узунликдаги (422 км. асфалтобетон ва 112 км. тсементобетон қопламали) автомобил йўлларини фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ишларни амалга ошириш учун 1533,9 млрд. сўм микдорида маблағ ажратилган.

2014 йил инвеститсия дастурини амалга ошириш учун ҳозирги қунгача маҳаллий пурратчи корхоналар томонидан 534 км. йўл курилиш-таъмираш ишлари учун 621 млрд. сўмлик (шундан "Ўзавтойўл" компанияси корхоналари томонидан 257 км. йўл курилиш-таъмираш ишлари учун 503,4 млрд. сўмлик) шартномалар тузилган бўлиб, курилиш ишлари амалга оширилмоқда.

"Ўзавтойўл" ДАК корхоналари томонидан бажариладиган шартномавий қийматлар худудлар кесимида қараладиган бўлса, Қорақалпогистон Республикасида 135,6 млрд. сўмлик (44,0 км. йўл курилиш-таъмираш ишлари учун), Андижон вилоятида 12 млрд. (3,0 км. йўлда), Бухоро вилоятида 108,7 млрд. (40,0 км. йўлда), Жиззах вилоятида 21,1 млрд. (20, км. йўлда), Қашқадарё вилоятида 59,9 млрд. (50,0 км. йўлда), Наманган вилоятида 26,2 млрд. (10,0 км. йўлда), Самарқанд вилоятида 15,0 млрд. (20,0 км. йўлда), Сурхондарё вилоятида 42,5 млрд. (14,0 км. йўлда), Тошкент вилоятида 58,4 млрд. (27 км. йўлда), Фарғона вилоятида 24,1 млрд. (14,5 км. йўлда) сўмлик шартномалар тузилган. Йўллар кесимида қаралганда эса, энг катта курилиш-таъмираш ишлари М-39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз" (150 км.дан ошик), А-380 "Гузор-Бухоро-Нукус-Бейнау" (120 км.дан ошик), А-373 "Тошкент-Ўш" (115 км.дан ошик), М-37 "Самарқанд-Ашхабод-Туркманбоши" (50 км.дан ошик) халқаро автомобил йўлларида амалга оширилишини кўриш мумкин.

Шундан хисобот даврида режадаги 33,0 млрд. сўм ўрнига 42,6 млрд. сўмлик (129 %), жумладан, "Ўзавтойўл" компанияси томонидан 28,9 млрд. сўм ўрнига 38,6 млрд. сўм (133,5%) йўл ишлари бажарилди. Бу кўрсаткича айникса "Шимолий-Гарбий" ХДААЙИТФК режадаги 4587,4 млрд. сўм ўрнига 6391,6 млрд. сўмлик иш бажариб, ўзининг салмоқли хиссасини кўшди.

Халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида "Ўзавтойўл" компанияси корхона ва ташкилотлари томонидан 12,1 млрд. сўмлик капитал таъмираш ишлари (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 120,0 %) бажарилди.

Республикамизнинг умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги 42654 км. узунликдаги автомобил йўлларида 2014 йилнинг 1-чораги давомида жами 118,0 млрд. сўмлик сақлаш ва жорий таъмираш ишлари амалга оширилди.

Жумладан: автомобил йўллари холатини сақлаш ишлари бўйича 49,8 млрд. сўмлик, автомобил йўллари минтақасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича 1,3 млрд. сўмлик, автомобил йўлларида автотарниспорт ва йўловчиларнинг куз-қиши мавсумида хавфсиз харакатланишини таъминлаш ишлари бўйича 14,1 млрд. сўмлик ва автомобил йўлларини жорий таъмираш ишлари бўйича 52,8 млрд. сўмлик ишлари бажарилди.

Мазкур маблағлари хисобидан автомобил йўлларимизда харакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича, жумладан, 2207 дона етишмаган йўл белгилари ўрнатилди; 5972 дона эскирган йўл белгилари алмаштирилди; 4337 пм. узунликда 1-гурух тўсиклари ўрнатилди; 4685 дона йўналтирувчи ва кўрсатувчи устунчалар ўрнатилди; 161 дона кўприқда харакат хавфсизлиги таъминланди; 686 км. йўл қатнов кисми белгиланди; 374 жойда пиёдалар ўтиш жойи белгиланди; 748 дона қувурларда харакат хавфсизлиги таъминланди; 1732 км. узунликда йўл марзаси мустаҳкамланди; 19 жойда автомобил йўлининг темир йўли билан кесишган қисмидаги харакат хавфсизлиги

таъминланди; 111 жойда йўл туташмалари ободонлаштирилди; 96 дона автобус тўхташ бекатлари қурилди ва таъмирланди; 10,9 км. узунликда пиёдалар йўлаги қурилди; 15500 км. узунилкдаги йўлларда қиши мавсумда юзага келган чуқурчалар таъмирланди.

Вазирлар Махкамаси томонидан компанияга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2014 йилнинг 1-чорагида ўсиш суръатлари 103,5 % миқдорида белгиланган бўлиб, компания тизимидағи саноат ва ёрдамчи ишлаб-чиқариш хўжалик корхоналари томонидан 2014 йилнинг 1-чорагида таққослама нархларда 11,8 млрд.сўмлик, 2013 йилнинг шу даврига нисбатан эса таққослама нархларда 103,6 % дан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Жумладан Компания тизимидағи темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қўйлиқ кўприклар темирбетон қурилмалар тажриба заводи томонидан жорий йилнинг 1-чорагида 30,1 минг тонна темир-бетон конструкциялари ва жихозлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказилиб берилиди. Шунингдек, асфалтбетон маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкент вилоятида жойлашган яна бир ийрик "Тошвилйўлсаноат" саноат корхонаси томонидан жорий йилнинг март ойида 4,1 минг тонна асфалтбетон маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва автомобил йўлларини таъмирлаш ишлари учун етказилиб берилиди.

Ўз навбатида, компания тизимидағи саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари томонидан жорий йилда автомобил йўллари ва улардаги сунъий иншоатларни қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари учун зарур бўладиган йўл қурилиш материалларини етказиб бериши бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Компания томонидан 2014 йилда Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган янги иш ўринларини яратиш дастури параметрларига мувофиқ 180 та янги иш ўринлари очилиши кўзда тутилган. Амалда эса компания тизимидағи корхоналарда ишловчилар сони йил бошига нисбатан 889 тага ўсди.

2013 йилда умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида ва унинг таркибидаги сунъий иншоатларда (жами 145 та объект) табиий оғат туфайли юзага келган турли даражадаги бузулишларни тиклаш бўйича 59 та объектда 13,2 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, объектлар ўрнатилган тартибда қайта фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда яна 41 та объект бўйича Республика йўл жамғармасининг мазкур мақсадлар учун захира маблағлари хисобидан манзил рўйхатлари шакллантирилиб, объектларда қурилиш-монтаж ишлари режа асосида бош пурдатчи корхоналар томонидан давом эттирилмоқда.

Жорий йилда саноат ва ишлаб чиқариш базалари модернизатсия қилиш ишлари учун 35 млрд. сўм маблағ ажратилиб, модернизатсия қилиш объектлари хамда уларни амалга ошириш бўйича бош пурдатчи ташкилотлар рўйхати тасдикланган ва шу асосда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.